


ҲОЗИРГИ ХИТОЙ ТИЛИДА ОТ ТУРКУМИГА ОИД СЎЗЛАРНИНГ СЎЗ ҚЎШИШ УСУЛИНИНГ БОҒЛОВЧИ МОДЕЛИ АСОСИДА ЯСАЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

 10.24412/2181-1784-2021-1-333-343

Юсупова Хилола Саъдулла қизи

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Хитойшунослик факультети

Хитой филологияси кафедраси ўқитувчиси

e-mail: Hilola_7893@mail.ru

Аннотация: мазкур мақолада ҳозирги хитой тилида от сўз туркумига оид сўзларнинг сўз ясалишининг копулятив модели асосида ясалишини ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган. Хитой тилида сўзларни қўшишининг копулятив модели бир нечта номланишларга эга, булар: 并立式 binglishi, 并列式 binglieshi, 连合式 lianheshi. Сўз ясалишининг сўз қўшиши копулятив модели кенг тарқалган ҳодисалардан бири, мазкур ҳодиса хитой тили грамматикасига, сўз ясалишига оид бўлган куплаб ўқув дарслик, қўлланма ва илмий асарларда тилга олинганлигига қарамасдан мазкур ҳодиса алоҳида ракурс сифатида кўриб чиқилмаган. Изланишларимиз натижасида айтиши мумкин-ки, сўз қўшишининг копулятив модели ҳозирги хитой тили лексикасини бойишига хизмат қилади ва алоҳида тадқиқ қилиниши лозим бўлган мавзулардан бири бўлиб ҳисобланади.

Калит сўзлар: морфема, иероглиф, бўғин, семантика, копулятив модель, сўз қўшиши, сўз бирикмаси, деривация, аффикс, конверсия.

Abstract: This article is devoted to the peculiarities of the formation of nouns using the copulative model of word composition in modern Chinese. In Chinese, the copulative model has several names, such as: 并立式 binglishi, 并列式 binglieshi, 连合式 lianheshi. Despite the widespread use of word formation using the copulative model of word composition, the description of this phenomenon in many scientific textbooks and materials related to the Chinese language, the study of the modern Chinese language within word formation, this phenomenon has not been studied from a separate aspect. Based on the research done, we can conclude that the copulative model of word composition in the Chinese language contributes to the replenishment of the lexical vocabulary and this phenomenon needs a separate study.

Key words: morpheme, hieroglyph, syllable, semantics, copulative model, word composition, word combination, derivation, affix, conversion.

Хитой тилида сўзларни кўшишнинг боғловчи модели бир нечта номланишларга эга: 并立式 *binglishi* – жуфт модель, 并列式 *binglieshi* – боғловчи модель, 连合式 *lianheshi* – бириктирувчи модель. 并立式 *binglishi* (жуфт модель) термини Лу Чживэйнинг 1957 йилда нашр этилган асарида қўлланган. Китобнинг кейинги нашрида Лу Чживэй бу терминни 并列式 *binglieshi* га алмаштирди. Ушбу термин сўз кўшишнинг мазкур модели учун Гао Минкай [8, 200], Жэнь Сюэлян [10, 165], Сунь Чансюй [11, 102] ва бошқаларнинг асарларида ҳам қўлланган. Чжан Шоукан [12, 26], Чжан Чжигун [13, 11], Ли Цзиньси [9, 518] ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқиладиган модель 联合式 *lianheshi* деб аталади. И.Ошанин [2, 125], В.Солнцев [5, 84], Н.Коротков [1, 125] ва бошқаларнинг ишларида у боғловчи ёки копулятив модель номини олган. Ушбу модель бўйича ясалган сўз компонентлари тенг боғланган муносабатда бўлади. А.Семенаснинг ёзишича, “копулятив кўшиш деганда, функционал-синтаксик ва семантик тенг боғланган морфемаларнинг кўшилиши тушунилиб, уларнинг йиғиндиси яхлит маънони англатади” [4, 176]. Хуан Юэчжоунинг таъкидлашича, мазкур модель замонавий хитой тилида энг самаралилардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу моделни таҳлил қилишда, авваламбор, мураккаб сўзга бирикаётган негизларнинг маъносига эътибор қаратилади. Хусусан, Жэнь Сюэлян боғловчи модель бўйича ясалган сўзларни кўриб чиқиб, қўшилаётган сўзларнинг моҳияти турига қараб, уларни беш гуруҳга ажратади: 1) маъно жиҳатидан бир-бирига яқин, синонимик сўзларни кўшиш; 2) антонимик сўзларни кўшиш; 3) коррелятив сўзларни кўшиш; 4) маъноси бир-биридан йироқ бўлган сўзларни кўшиш; 5) қўшилганда бири ўз маъносини йўқотадиган иккита негизни кўшиш [10, 165]. Мазкур гуруҳларга оид от сўз туркумига оид сўзларнинг ясашиш хусусиятларини кўриб чиқамиз.

1. Маъноси бир-бирига яқин бўлган, синонимик сўзларни кўшиш.

Боғловчи модель бўйича ясалган сўзларнинг мазкур гуруҳини, ушбу моделни таърифловчи деярли барча лингвистлар, жумладан, Ма Цзянчжун ҳам ажратади. Тенг боғланган синонимик негизларни кўшиш йўли билан замонавий хитой тилининг турли сўз туркумлари ҳосил қилинади. Шулар қаторида от сўз туркумига оид сўзлардир. Масалан: 语言 *yuayan* – тил (тил, нутқ + тил, нутқ), 朋

友 pengyou – дўстлар, дўст (дўст, биродар + дўст), 道路 daolu – йўл (йўл + йўл), 文字 wenzì – хат (ёзув + иероглиф), 首脑 shounao – сардор, дохий (бош + бош, мия), 世代 shidai – авлод (хаёт + давр), 根本 genben – асос, негиз (илдиз + манба, илдиз). Шуниси диққатга сазоворки, ҳозирги хитой тилида копулятив модели асосида ясалган сўзлар конверсия таъсирида бири нечта сўз туркумига оид бўлади. Масалан: 生产 shengchan сўзи ҳам феъл, ҳам от туркумига оид бўлади ва ишлаб чиқармоқ (туғмоқ, ишлаб чиқармоқ + ишлаб чиқармоқ) ва ишлаб чиқариш маъноларига эга бўлади. Бошқа мисоллар тарикасида қуйидаги сўзларни келтирамиз:

1-жадвал

сўз	транскрипция	феъл	от
答应	daying	жавоб бермоқ, товуш чиқармоқ (жавоб бермоқ + жавоб бермоқ)	жавоб
答复	dafu	жавоб бермоқ (жавоб бермоқ + жавоб бермоқ)	жавоб
砥砺	dili	ишлаб чиқмоқ	иш, махсулот
来往	laiwang	келмоқ	алоқа
呼吸	huxi	нафас олмоқ	нафас

Боғловчи модель бўйича ясалган отлар феъл туркумига оид синонимик негизлардан ҳам ҳосил бўлади. Буни турли хил тилшунос олимлар ўз илмий ишларида кўрсатадилар. Масалан: 斗争 douzheng сўзида иккала морфема ҳам курашмоқ маъносига эга ва ҳосил бўлган бирлик кураш сўзини ҳосил қилади. Бошқа бир мисол: 讨论 taolun сўзида иккала иероглиф муҳокама қилмоқ,

мунозара юритмоқ маъносига эга ва ҳосил бўлган сўз мунозара, муҳокама деб таржима қилинади.

Боғловчи модель бўйича ясалган отлар сифат туркумига оид синонимик негизлардан ҳам ҳосил бўлади. Масалан: 残忍 *canren* сўзидаги иккала морфема шавқатсиз маъносига эга ва ҳосил бўлган бирлик шавқатсизлик сўзини ҳосил қилади. 富饶 *furao* сўзидаги иккала иероглиф бой, сероб маъносига эга ва ҳосил бўлган сўз бойлик, серобчилик деб таржима қилинади.

Хитойлик тилшуносларнинг таъкидлашича, айрим ҳолларда боғловчи модель бўйича иккита синонимик негиздан ясалган сўзлардаги компонентлардан бири фақат морфемалар даражасида мавжуд бўлади ва фақат сўз ясовчи вазифани бажаради. Қадимий хитой тилида бу компонентлар бир бўғинли мустақил сўзлар бўлган. Чжан Шоукан: “Тилнинг ривожланиш жараёнида улардан кўплари ўз мустақиллигини йўқотди ва замонавий хитой тилида сўз ясовчи морфемаларга айланди” [12, 165] – деб таъкидлайди. Масалан, 人民 *renmin* – халқ, миллат сўзидаги 民 *min* – халқ, маъносига эга бўлган морфема шулар жумласидандир.

2. Антонимик сўзларни кўшиш.

Антонимик негизлар асосида боғловчи модель бўйича сўзларни яшаш хитой тили бўйича илк ишлардаёқ кўрилган. Хусусан, 1898 йилда Ма Цзяньчжуннинг машҳур, 马氏文通 *Mashi wentong* “Грамматикаси”да нашр этилган ушбу сўзлар 两字对待 *liangzi duidai* иккита қарама-қарши морфемали сўзлар деб аталади. Антонимик негизларнинг боғловчи модели бўйича кўшилиши турли сўз туркумларининг, одатда мустақил маъноли сўзларнинг ясалишига олиб келади. Изланишларимиз натижасида антоним негизлар сифат, феъл ва равишлардан ташкил топганлиги аниқ бўлди. Негизи сифатга оид антонимлардан ташкил топган от сўз туркумига доир сўзларни кўриб чиқамиз: 大小 *daxiao* сўзидаги ўлчам маъносига эга бўлган отни ҳосил қилади. Мазкур сўз иккита антоним сифат (大 *da* катта + 小 *xiao* кичик)дан ташкил топган. 长短 *changduan* сўзи узунлик маъносига эга бўлган отни ҳосил қилади ва иккита антоним сифат (长 *chang* узун + 短 *duan* қисқа)дан ташкил топган. 天地 *tiandi* сўзи соҳа, олам маъносига эга бўлган отни ҳосил қилади. Мазкур сўз иккита антоним сифат (天 осмон *tian* + 地 ер *di*)дан ташкил топган. 轻重 *qingzhong* сўзи оғирлик маъносига эга бўлган отни ҳосил қилади ва иккита антоним сифат (轻 *qing* енгил + 重 *zhong* оғир) дан ташкил топган.

Негизи феълга оид антонимлардан иборат копулятив модели асосида от сўз туркумига оид сўзлар доир сўзларни кўриб чиқамиз: 呼吸 hūxī сўзи нафас маъносига эга бўлган от иккита антоним феъл 呼 hū нафас чиқармоқ ва 吸 xī нафас олмоқ сўзлардан ташкил топган. 来往 lái wǎng сўзи алоқа маъносига эга бўлган от иккита антоним феъл 来 lái келмоқ ва 往 wǎng қайтмоқ сўзлардан ташкил топган. Шунини алоҳида айтиб ўтиш керакки, ҳозирги хитой тилида кўп иероглифлар бир нечта сўз туркумига оид бўлади. Шулардан бири бу 往 wǎng морфемасидир. Мазкур морфема феъл вазифасида бориб келмоқ, қайтмоқ маъносига эга, кўмакчи вазифасида эса ўзбек тилидаги –га постфиксга тўғри келади. Шуларни инобатга олган ҳолда 来往 lái wǎng таркибида мазкур морфема қайтмоқ деб таржима қилинади.

Боғловчи модель ёрдамида негизи равишлардан иборат бўлган отларга қуйидагилар мисол бўла олади. Масалан: 始终 shǐzhōng доимо сўзи иккита антоним 始 shǐ боши ва 终 zhōng охири маънога эга бўлган равишдан иборат. 左右 zuǒyòu тахминан сўзи иккита антоним 左 zuǒ чап ва 右 yòu ўнг маънога эга бўлган равишдан иборат. 前后 qiánhòu яқин, тахминан сўзи иккита антоним 前 qián олд ва 后 hòu орқа маънога эга бўлган равишдан иборат.

Жэнь Сюэлян антонимик негизлардан боғловчи модель бўйича шунингдек сифатлар ҳам ясашиши мумкин, деб ҳисоблайди. Бироқ монографияда мисол тариқасида у келтирган сўзлар аслида сифат бўлиб ҳисобланмайди, бу 现代汉语词典 Xiandai hanyu cidian луғатда қайд этилган. Масалан: 快慢 kuàimǎn 速度 – 这条轮船的快慢怎么样? - Бу кеманинг тезлиги қандай? Луғатда келтирилган мисоллар ва сўзга берилган изоҳ 快慢 kuàimǎn – тезлик – от эканлигидан далолат беради.

А.Семенаснинг таъкидлашича, “антонимик компонентларнинг ўзига хослиги комплексида қайта англашга ва идиоматик қўлланишга қодирлигидадир” [3, 107]. Масалан: 消 xiāo – ғойиб бўлмоқ + 息 xī – пайдо бўлмоқ → 消息 xiāoxī – янгиликлар; 甘 gān – ширин + 苦 kǔ – аччиқ → 甘苦 gānkǔ – ташвишлар, қийинчиликлар.

3. Коррелятив (муносабатдош) негизларни кўшиш.

Замонавий хитой тилида коррелятив компонентлардан боғловчи модель бўйича ясалган мураккаб сўзлар от сўз туркумига оид сўзни ҳосил қилади. Масалан: 领袖 lǐngxiū – доҳий, етакчи (ёқа + энг), 眉目 méimù – юз тузилиши, чехра (кош-кўз), 口齿 kǒuchǐ – талаффуз (оғиз + тиш), 背心 bèixīn – нимча (орқа

+ юрак). Боғловчи модель бўйича муносабатдош негизлардан ясалган янги сўзларнинг мазмуни кўпинча ўзгаради ва бу сўзларни ташкил этган негизларнинг мазмунидан фарқ қилади. Масалан: 骨 gu – суяк + 肉 rou – гўшт → 骨肉 gurou – қариндошчилик, 口 kou – оғиз + 舌 she – тил → 口舌 koushe – англашилмовчилик.

4. Мазмунлари йироқ бўлган негизларни кўшиш.

Мазмунлари йироқ бўлган негизларни боғловчи модель бўйича кўшишда, кўп ҳолларда, иккита негизнинг мазмунини сақлаб қолувчи отлар ҳосил бўлади. Ушбу гуруҳдаги сўзларнинг ўзига ҳослиги ана шунда. Масалан: 薄脆 baocui – қирсиллайдиган нон (юпка + қирсиллайдиган) [6, 223].

5. Бирининг мазмунини ўзлаштириш билан икки негизни кўшиш.

Бундай сўзларнинг ўзига ҳослиги шундан иборатки, негизлардан бири мураккаб сўз таркибида ўзининг бошланғич мазмунини йўкотади, яъни десемантизацияланади. Бундай сўзлар хитойлик лингвистларнинг ишларида турлича белгиланади: 偏义词 pianyici – айнан тўлиқ маънога эга бўлмаган сўз ёки 并合语 bingheyu – конвергент сўзлар. Ўз маъносини йўқотувчи негиз сўз ясашда иккинчи даражали аҳамиятга эга, аммо бу негизсиз сўз мавжуд бўлмайди. Негизлардан бирининг десемантизацияланиши, мураккаб сўзни ҳосил қилувчи негизлар синонимик ёки корреляцион бўлган ҳолда ва улар антонимик бўлган ҳолда ҳам ясалиши мумкин. Масалан: 人物 renwu – инсон, фигура, шахс (人 ren инсон + 物 wu буюм), 国家 guojia – давлат, мамлакат (国 guo мамлакат + 家 jia оила), 窗户 chuanguhu – дераза → (窗 chuangu дераза + 户 hu эшик), 质量 zhiliang – сифат (质 zhi сифат + 量 liang миқдор), 狐狸 huli – тулки (狐 hu тулки + 狸 li енотсимон ит), 好歹 haodai – бахтсизлик (好 hao яхши + 歹 dai ёмон). Бундай сўзларнинг ҳам биринчи, ҳам иккинчи компонентлари десемантизацияланиши мумкин. Масалан: 面目 mianmu – юз → 面 mian юз + 目 mu кўз.

Юқорида келтирилган мисолларда иккинчи компонент десемантизациялашган. Қуйидаги мисолларда десемантизация биринчи компонентда содир бўлган: 热闹 renao – шовқин → иссиқ + шовқинли.

Боғловчи модель бўйича ясалган сўзларнинг моҳиятини кўриб чиқиб Люй Шусян шуни таъкидлайдики, улар орасида шундай сўзлар борки, уларнинг негизи турли мазмунга эга. Кўшишдан ҳосил бўлган сўз уларнинг биттасининг маъносига тенг бўлмасдан, иккаласининг маъносига эга. Масалан: 诊疗 zhenliao

– диагностика ва даволаш – иккала сўзнинг маъносидан ташкил топган, 诊 zhen – диагностикалаш ва 疗 liao – даволаш. Аммо боғловчи модель бўйича, моҳияти жиҳатидан бир-бирига яқин ёки ўхшаш бўлган, синонимик негизлар кўшилганда, сўз ҳосил бўлганда семантик ўзгаришлар содир бўлмайди, негизларнинг кўшилиши полисиллабизмни ҳосил қилиш мақсадида содир бўлади. Масалан: 身体 shenti – тана – сўзи мазмуни жиҳатидан тенг бўлган 身 shen – тана ва 体 ti – жусса негизлардан ташкил топган. Мураккаб 身体 shenti сўзнинг мазмуни уни ташкил қилган негизларнинг мазмуни билан бир хил. Қуйидаги сўзларда ҳам шундай ҳолат кузатилади: 皮肤 pifu – тери (皮 pi тери + 肤 fu тери), 背脊 bei ji – орқа, курак (背 bei орқа + 脊 ji орқа).

А.Семенас кўшилаётган компонентларнинг тавсифига (синонимик, антонимик, ассоциативлигига) қараб, боғловчи модель бўйича ясалган мураккаб отнинг компонентларига турли семантик реляциялар хос, деган хулосага келди.

Антонимик компонентларга қуйидаги реляциялар хос: 1) Оддий йиғилганлик – 父母 fumu – ота + она → ота-она. 2) Тўпланувчанлик, кўплик, умумлашганлик – 山水 shanshui – ландшафт, пейзаж (тоғ + сув). 3) Параметрни қарама-қарши хусусиятлардан чиқариш – 大小 daxiao – ўлчам, катталиқ (катта + кичик). 4) Кўшиш → умумлаштириш → қайта англаш – 甘苦 ganku – таъм, яшаш шароитлари, тақдирнинг бевафолиги (ширинлик + аччиқлик). 5) Сингдириш, ютиш – 好歹 haodai – ёмон, бахтсизлик (яхши + ёмон). 6) Ҳаракатларни кўшиш ва уларни предметлаштириш – 开关 kaiguan – узгич (очмоқ + ёпмоқ). 7) Қарама-қарши маъноларнинг кўшилиши ва семантик силжиш – 动静 dongjing – ҳолат, вазият (ҳаракат + тинчлик).

Ассоциатив компонентларга қуйидаги реляциялар хос: 1) суммалаш, оддий кўшилиш 手脚 shoujiao – оёқ-қўллар (қўл + оёқ), 2) тўпланувчанлик, кўплик, умумлашганлик – 桌椅 zhuoyi – мебель (стол + стул), 3) кўшиш → умумлаштириш → қайта англаш – 风波 fengbo – бўрон, қаттиқ бўронлар, қийинчиликлар (шамол + тўлқин), 4) сингдириш, ютиш – 窗户 chuanguhu – дераза (дераза + эшик), 5) кўшимчалар, тушунтиришлар – 讲习 jiangxi – ўрганиш (фанни), такомиллашиш (сўзламоқ + такрорлаш), 6) предметлаштириш – 裁缝 caifeng – тикувчи (бичиш + тикиш), 7) кучайтириш, жадаллаштириш – 干枯 ganku – қуриган, зерикарли, рангсиз (қуруқ + сўлғин) [7, 135].

Синонимик компоненталарга қуйидаги реляциялар хос: 1) Такрорлаш, қайтариш – 互相 huxiang – ўзаро (ўзаро + ўзаро). 2) Қўшимча, тушунтириш – 教育 jiaoyu – маърифат (ўқитмоқ + тарбияламоқ). 3) Кучайтириш, жадаллаштириш – 高大 gaoda – улкан, буюк (юқори + катта).

Кўп холларда, боғловчи модель бўйича ясалган сўзларнинг тоифаларга (категорияларга) мансублиги негизларнинг тавсифи (сифатли, отли, феълли), шунингдек уларнинг семантик аниқланганлигига (мазмунларининг синонимлиги, антонимлиги, коррелятивлигига) боғлиқ. Хитойли лингвистлар, боғловчи модель бўйича ясалган сўзлар, одатда, икки бўғинли бўлади, деб таъкидлайдилар. Бундай хулосани, шунингдек, луғат маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Бироқ хитой тилида копулятив модель бўйича ясалган мураккаброқ тузилмалар ҳам мавжуд. Бу тенгхуқуқли элементлардан ташкил топган мураккаб қисқартирилган сўзлар. Масалан: 工农兵 gongnongbing – ишчилар, деҳқонлар ва солдатлар, 度量衡 duliangheng – ўлчов ва тарозилар тизими, 海陆空 hailukong – денгиз, қуруқлик ва ҳаво кучлари. Илмий терминология доирасида сўз ясаши масалалари билан шуғулланувчи хитойлик тадқиқотчи Ду Хоувэнь [9, 119], боғловчи модель бўйича унча кўп бўлмаган сўзлар ҳосил бўлади, деб таъкидлайди.

Хитойлик лингвистлар сўз ясашининг боғловчи моделини таърифлашда, морфемаларнинг келиш тартиби ўзгариши мумкин бўлган сўзлар гуруҳига эътиборни қаратадилар. Замонавий хитой тилида морфемалари турли тартибда келадиган сўзлар тўғрисидаги масала кўплаб тилшуносларнинг ишларида бир неча бор кўриб чиқилган, бироқ, тилшуносликда бу бирликларнинг сўз яшаш нуктаи назаридан тавсифини белгилашда яқдиллик йўқ. Айрим хитойлик лингвистлар морфемаларнинг тескари тартибда келишини сўз яшашнинг алоҳида усули сифатида қарайдилар, Жэнь Сюэян бу ҳодисани сўз яшашнинг алоҳида модели сифатида олиб қарайди. Бу нуктаи назарлар хитойлик лингвистлар орасида кенг тарқалмади. Модомики боғловчи модель бўйича ясалган отлар мустақил, тенг хуқуқли морфемалардан ясалар экан, у холда уларнинг келиш тартиби турлича (тўғри ва тескари), маъноси эса бир хил бўлиши мумкин. Масалан, 力气 liqi – (жисмоний) куч, 气力 qili – (жисмоний) куч, 样式 yangshi – фасон, намуна, 式样 shiyang – фасон, модель, намуна, 灵魂 linghun – юрак, рух, 魂灵 hunling – рух, юрак каби сўзлар шулар жумласидандир.

Сўз ясалишнинг сўз қўшиш боғловчи модели кенг тарқалган ҳодисалардан бири, мазкур ҳодиса хитой тили грамматикасига, сўз ясалишига оид бўлган куплаб ўқув дарслик, қўлланма ва илмий асарларда тилга олинганлигига қарамадан мазкур ҳодиса алоҳида ракурс сифатида кўриб чиқилмаган. Изланишларимиз натижасида айтиш мумкин-ки, сўз қўшишнинг копулятив модели ҳозирги хитой тили лексикасини бойишига хизмат қилади ва алоҳида тадқиқ қилиниши лозим бўлган мавзулардан бири бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Коротков Н. Основные особенности морфологического строя китайского языка. – М., Наука, 1968. – 399
2. Ошанин И. Слово и части речи в китайском языке. – М., Воениздат, 1946. – 125 с.
3. Семенов А. Некоторые особенности семантики сложения в изолирующих языках (К типологии семантических реляций) // Лингвистическая типология. – М., Наука, 1985. – 280 с.
4. Семенов А. Лексика китайского языка. – М, Муравей, 2000. – 310 с.
5. Солнцев В. Очерки по современному китайскому языку. – М., ИМО, 1957. – 204 с.
6. Хаматова А. Словообразование современного китайского языка. – М.: Муравей, 2003. – 223 с.
7. Хашимова С.А. Ҳозирги хитой тилида редупликация, аффиксация ва конверсия. – Т.: Ёш куч, 2020. – 320 б.
8. Gao Minkai. Putong yuyanxue. – Shanghai, Shanghai daxue chubanshe, 1955. – 248 ye.
9. Li Jingxi. Hanyu yufa jiaocai. – Beijing, Beijing daxue chubanshe, 1959. – 420 ye.
10. Ren Xueliang . Hanyu zaocifa. – Beijing, Shangwu Yinshuguan, 1980. – 320 p.
11. Xun Chanxu. Hanyu cihui. – Changchun, Changchun daxue chubanshe, 1956. – 493 ye.
12. Zhang Shoukan Goucifa he gouxingfa. – Hubei, Shangwu Yinshuguan, 1981. – 96 ye.
13. Zhang Zhigun. Xiandai hanyu. – Beijing, Shangwu Yinshuguan, 1983. – 180 ye.

14. SA Nasirova, SA Hashimova, GS Rikhsieva THE INFLUENCE OF THE POLITICAL SYSTEM OF CHINA ON THE FORMATION OF SOCIAL AND POLITICAL TERMINOLOGY- Journal of Central Asian Social Studies, 2021
15. LA Sultanova Composition as A Way of Forming the Terms of Medical Instruments and Surgical Devices in Modern Chinese
16. L.Sultanova PROBLEMS OF STUDYING MODERN CHINESE TERMINOLOGY - Конференции, 2021
17. А. А.Каримов Выявления исконных и приобретенных значений иероглифов 念, 讀, 看 Discovering different cultures, nationalities and language through comparative-typological studies, 2020
18. Khalmurzaeva, N. T., Omonov, Q. S., Rikhsieva, G. S., & Mirzakhmedova, K. V. (2021). SPECIFICITY OF THE ACTION OF SILENCE IN JAPANESE COMMUNICATION CULTURE. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES* (2767-3758), 2(08), 50-55.
19. Hashimova, S. A., & Nasirova, S. A. (2021). FEATURES OF FORMING OF ANIMATED NOUNS WITH THE AFFIXES IN MODERN CHINESE LANGUAGE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 1-10
20. Nasirova, S. A., Hashimova, S. A., & Rikhsieva, G. S. (2021). THE INFLUENCE OF THE POLITICAL SYSTEM OF CHINA ON THE FORMATION OF SOCIAL AND POLITICAL TERMINOLOGY. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 10-17.
21. Mirzakhmedova, K., Nishanbaeva, A., Nuriddinov, N., & Djafarov, B. (2021). THE TERMS FORMATTED WITH ARABIC LOANWORDS IN THE PERSIAN LANGUAGE. In *ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ* (pp. 201-206).
22. ХАШИМОВА, С. А. (2020). ОСОБЕННОСТИ ОБРАЗОВАНИЯ НЕОДУШЕВЛЁННЫХ СУЩЕСТВИТЕЛЬНЫХ ПРИ ПОМОЩИ СУФФИКСАЦИИ В СОВРЕМЕННОМ КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ. *Modern Oriental Studies*, 2(2).
23. ХАЛМУРЗАЕВА, Н. Т. (2014). РОЛЬ КАТЕГОРИИ ВЕЖЛИВОСТИ В РЕАЛИЗАЦИИ КОММУНИКАТИВНОЙ СТРАТЕГИИ В ДЕЛОВОМ ОБЩЕНИИЯПОНСКОГО ЯЗЫКА. In *Будущее науки-2014* (pp. 303-306).
24. AMANOV, K. (2015). TÜRKÇE RESMİ YAZI DİLİ TARİHİNİN FASILALARA AYRILMASI. *Electronic Turkish Studies*, 10(12).

25. Насирова, С. А. (2019). Языковая политика в Китае: идентификация общественно-политической терминологии. In *Китайская лингвистика и синология* (pp. 384-387).
26. Хашимова, С. А. (2019). О НЕКОТОРЫХ ГРАММАТИЧЕСКИХ И СЕМАНТИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЯХ УДВОЕНИЯ В ЛИНГВИСТИКЕ. In *Лингвистика XXI века: традиции и инновации* (pp. 444-451).
27. Рихсиева, Г. Ш. (2014). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГИ-СИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ. *Oliy ta'lim taraqqiyoti istiqbollari= Perspectives of higher education development= Перспективы развития высшего образования: То 'plam № 2/ma'sul muharrir MA Rahmatullayev.–Издательство: Vita Color T.: 2014.–161 b., 29.*
28. Gosmanovna Ibatullina, D., Rafisovna Alikberova, A., & Abdullayevna Nasirova, S. (2019). Modern Linguistic Trends in the Japanese Language. *Journal of Research in Applied Linguistics, 10*(Proceedings of the 6th International Conference on Applied Linguistics Issues (ALI 2019) July 19-20, 2019, Saint Petersburg, Russia), 500-505.
29. Мирзахмедова, Х. В. (2014). О некоторых проблемах формирования железнодорожных терминов (на материале персидского языка). *Вестник Челябинского государственного университета*, (14 (343)).